

ИЎЛДОШ СУЛАЙМОН

МЕН — БИРИНЧИ МУАЛЛИМ

*Шеърлар
ва
балладалар*

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети


«ЁШ ГВАРДИЯ» нашриёти

Тошкент — 1981

Сизнинг севимли шоирингиз Иўлдош Сулаймон Қўқонда туғилган. Фаргона Давлат педагогика институтини битиргандан буён область газетаси «Коммуна»да ишлаб келмоқда.

Иўлдош Сулаймон катталар учун ёзилган «Субҳидам», «Вафо» романларининг муаллифидир. Болалар учун ёзган «Биз саёҳатчилармиз» деган биринчи китоби 1966 йили нашр этилган. Унинг «Раҳима-чи, ваҳимачи», «Мен отамни ўйласам», «Ҳамма ҳавас қилади» китоблари ҳам болалар орасида кенг тарқалган.

Иўлдош Сулаймон 1978 йилда болаларга бағишланган қатор китоблари учун Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлган.



70802—55
С 356 (04)—81 130—81 4803000000

© Издательство «Еш гвардия», 1981



АДИБАНИНГ ҚУВОНЧИ

ЎҚУВЧИЛАР АСҚАРИ

«Алифбе»ни таърифлаб
Қўшиқ айтган ҳарфлар
Тизилишиб бир сафга,
Бурниб ўнгу
чанга,

Шайланишиб, чамамда,
Кутишарди команда.
Илму ҳикмат толиби —
Ўзимизнинг «Алифбе»
Сафга бир-бир кўз ташлар,
Дона-дона сўз бошлар:

— Бежирим болаларим,
Жону дил лолаларим,
Ҳаммангиз ҳам ярақлаб,
Офтоб каби чарақлаб,

Нур сочингиз дилпмга,
Сизлар ҳамма билимга
Йўл бошловчи саркарда.
Болалар ҳар саҳарда

Сизлар билан учрашар.
Сиз, эй, жигар гўшалар,
Орангизда қийшайган,
Ёки чизикдан тойган,

Ёки семиз ва ориқ,
Ё бўлмаса тиш огриқ,
Милки шишган ҳарф йўқ,
Бедавою ғариб йўқ.

Йўқ ҳеч баланд-пастингиз,
Бир текис бўй-бастингиз,

Сизни ҳамма табриклар.
— Шошманг,—дейди ҳарфлар.—
Шошманг, «Алифбе» бобо,
Илм толиби бобо.

Бизни роса яйратган,
Оқ қоғозда сайратган
Ўқувчининг меҳнатн.
Уларнинг ҳусни хатн

Дилингиз сеҳрлабди.
«Алифбе» деди:
— Тондинг!

Шунинг-чун ўшаларга
Раҳматнинг қўшалоғи.
«А» ҳарфи саф бошида,
«Б» унинг ёнбошида,
«В», «Г»лар қўл ушлашиб,
Бари кўнгил хушлашиб

Айтишадн:
— Баримиз
Ўқувчи аскаримиз.
Биздаги вақти чоғлиқ
Командирларга боғлиқ!

ПИОНЕРЛАР ПАРАДИ

Ассалому алайкум,
Майимиз ўн тўққизи.
Улуғ совет элининг
Биз бахтли ўғил-қизн.
Сизни кутдик орзиқиб,
Эрта туриб қуёшдан.
Қаерда бор шундай бахт?
Қани, кузат бир бошдан:
Ҳамма ясан-тусанда,

Ҳамма сафга ошиққан,
Кўчалару майдонлар
Тўлиб-тошган қўшиққа!
Колоннамиз марш билан
Шахдам ўтиб боради,
Қелажакка ҳозирлик —
Пионерлар паради.
Бизлар гўё оталар
Назаридан ўтардик,
Улар тутган байроқни
Яна баланд кўтардик!

АДИБАНИНГ ҚУВОНЧИ

Аяжоним,
Аяжон,
Дилга сигмай ҳаяжон,
Сизни олдиқ ўртага.
Қандай яхши, эртага
Сиз туғилган улуг кун,
Севинчларга тўлиқ кун!

Шу кун олам туғилган,
Олам нурга йўғрилган.
Тўймаймиз Сизга қараб,
Нигоҳингиз нур тараб
Дилимизни ёритар,
Йўлимизни ёритар.

Кўпчиликка қўшай, деб
Заҳматига мен шай, деб
Кунни бедор ўтказиб,
Тунни бедор ўтказиб,
Фарзандга бўлиб малҳам,
Роҳату оромни ҳам
Багишладингиз бизга —

Икки ўғил,
Бир қизга!

Энди ақлимиз кириб,
Оқу қорани кўриб —
Меҳрингизни ҳис этдик,
Мана бўйга ҳам етдик.
Сизни кўтариб бошга,
Тенглаштириб қуёшга,
Яшнатамиз ҳар ённи.
Тоғда тўсиб дарёни
Саҳроларга бурамиз,
ГЭСлар қурамиз.

Аяжоним, аяжон.
Дилда тўла ҳаяжон,
Тилаймиз Сизга соғлиқ,
Бардамлик,
вақти чоғлик!

МЕН — БИРИНЧИ МУАЛЛИМ

Йўлга юриб, пилдираб,
Тили чиқиб, чулдираб

Мендан сира айрилмас,
Инжиқликни ҳеч билмас

Жажжигина укачам.
Уйнашиб ачом-ачом

Ургатаман сўзлашга,
Катталарни «сиз»лашга.

«Салом» тушмас тилидан
Ким учраса йўлида.

Ширин сўзлар излайди,
Яхши ишни кўзлайди.

Аям дер:
— Сув бошидан,
Бола эса ёшидан...

Уканг ҳали уч ёшда,
Аmmo сенга эргашди.

Сен — биринчи муаллим,
Балли, омон бўл, Олим!

Қувончдан яйрар танам
Миннатдор бўлса онам!

ҲОЗИР ЁШИМ ОЛТИДА

Ҳозир ёшим олтида,
Катта-кичик олдида
Юришларим бўлакча,
Туришларим бўлакча.

Чунки ақлим кирган-да,
Уйга меҳмон келганда,
Қўзин қилиб шамғалат
Олмасман ҳеч шоколад.

Таниш-билиш одамлар,
Акам, аям, дадамлар
Дейишар:

— Эркатоим,
Ана шундай бўл доим
Катта-кичик олдида,
Ахир, ёшинг олтида!

ИНОҚЛИК СИРИ

Бари иноқ,
 бари дўст
Маҳалламиз боласи.
Қаранг улар сафига,
Йўқ ножўя — оласи.

Тенг,
 ё кичик,
 ё катта
Бўлган билан бўйларн,
Диллари бир,
 доим бир
Орзулари, ўйлари!

Торт-торт бўлар ўйинда,
Лекин ора бузилмас.
Эрта ё кеч учрашса
Салом-алик узилмас.

Қўнгилларни яшнатар
Уларнинг бу одоби.
Бири дарсдан оқсаса,
Ё қочиб қолса тоби —

Ҳаммалари безовта,
Ҳамма турар оёққа!
Ахир, катта арава
Йўл бошласа қаёққа —
Ҳамроҳ бўлур кичиги.

Маҳаллада ҳар ҳовли
Боғлиқ бири-бирига.
Энди ақлинг етдими
Бу иноқлик сирига!

ОЙМОМА ВА ШОҲИСТА

Оймома,
Ҳой, мома,
Булутларни оралаб,
Деразамдан мўралаб
Оҳиста:
— Шоҳиста,

Ором ол, қизим, алла,
Ухлашга етди палла
Дегандай,
Лагандай
Юзинг кўкда ловулла
Бизнинг шаҳар, овулла
Чиройи,
Киройи

Лол қилибди ўзингни,
Қўпни кўрган кўзингни.
Қалайсан,
Қарайсан
Ётоғимга оҳиста,
Шивирлайсан:— Шоҳиста,

Тог оша,
Боғ оша,
Келмоқдаман олисдан,
Елмоқдаман олисдан.
Тепамизга келганда —
Вужудинг чулғаб ханда
Тўлиқсан,
Бўлиқсан,

Яна ўша, ўшасан,
Нурингга нур қўшасан!

Мен ҳамон
Ўйланаман,
Бу ҳақда савол берсам,
Сенга мактуб юборсам,
Айтарсан:
— Билмайсан,

Африка тарафларда
Бағритош шахслар бор-да.
Тенглик йўқ,
Кенглик йўқ,
Мактаб йўқ болаларга —
Жону дил лолаларга,
Қўпи оч,
Ялангоч

«Хўжайин»лар дастидан,
Корчалонлар қасдидаи.
Дилда ғам
Ва алам
Кезаман бу ўлкани.
Қўплашиб кўланкани
Қувишса,
Ювишса,

Келса Сиздаги замон!
Билгин, мен ҳам ўша он
Тинчимни,
Кучимни,
Яна топиб оламан,
Яна қайта тўламан.

ЧЎПОН ҚИЗ

— Чори чамбар,
Бири анбар,
Она қиз қайда?

— Тоғда!

— Ростини айт, Санобар,
Ўша тоғда нима бор?
— Пода-пода қўй-қўзи.
Она қизнинг бир ўзи
Юзлаб-юзлаб қўй боқиб,
Чаккасига гул тақиб,
Чўпопларга қарашар.
Хизматингга яраша
Сени севар чўпонлар,
Пионер қиз — Санобар!

МАЙ

Севинчим — эй,
Биринчи Май,
Бағринг бунча нурафшон?!
Сен гулимсан,
Булбулимсан,
Сен бойчечак,
Гунафша!
Бугун ўша
Гилос пишар,
Меваларнинг тўнғичи.
Визвизлаб,
Ис излаб,
Асаларилар кўчиб,
Гул оралаб,
Гул саралаб
Шимиради гул исин.
Май асали

Энг асили,
Маза еганинг сайин.
Қир чиройли,
Бир чиройли
Кўм-кўк яйлов,
далалар.

Боғларда ҳам,
Тоғларда ҳам
Янграр яшил яллалар.
Пишиб қолди
Поллиз олди —
Қип-қизарган қулупнай.
Ширин ҳаво,
Ширин наво,
Бу — ўзингсан, гўзал
Май!


ЎЗИ ШИРИН

Дик-дик юрар,
Тик-тик юрар
Жажжи синглим Ободон,
Кўнгли чоғ қиз,
Уришчоқ қиз,
Эрта турар ҳаммадан.
Тонгдан бошлаб
Арта бошлар
Уйимизнинг полини.
Овунтирар,
Ювнштирар
Энг кенжатой Солини.
Отасига,
Онасига
Сув қуяди Ободон.
Сўзи ширин,
Ўзи ширин,
У опош қиз ҳаммадан!

ЛАГЕРЬ ҲАВОСИ

Соф ҳаво,
Боп ҳаво —
Лагерь ҳавоси.
Ирмоқ навоси
Шилдираб,
Пилдираб
Имлар ёнига,
Роҳат кониға!
Сув сочиб,
Дил очиб
Ирмоқ кечамиз.
Яна нечамиз
Юмалаб,
Думалаб
Ёзнинг қумида,
Анҳор сувнда
Яйрашиб,
Сайрашиб,
Кўнгил қувонар.
Яна тоиготар
Жўнаймиз,
Ўйнаймиз
Сояда,
Қир этагида,
Чинор тагида!
Офтобда,
Шу топда
Чиниқар бадаб,
Бўлар метиндан.
Лагерь ҳавоси —
Соф ҳаво,
Боп ҳаво...

1156



ТОНГГИ БАДАНТАРБИЯ

Тонг билан тенг уйғотар,
Ҳаммамизни бир қатор
Сафга тизар бехато
Тонгги бадантарбия.
Ўсмоқдаман кун сайин
Енгиллигим қушдайин.
Бор сабаби шу тайин —
Тонгги бадантарбия.
Мускулларим бақувват,
Ёғилади куч-қувват.
Дардни танадан қувар
Тонгги бадантарбия.
Серғайрат қўл қўл, дейди,
Бахтга очар йўл, дейди,
Балли шундай бўл, дейди
Тонгги бадантарбия.

ҚЎШЧИНОР

Ғани билан Зокиржон
Гўёки бир тап-бир жон.
Чунки улар ён қўшни,
Тўғрироғи жон қўшни.
Ҳавас қиласан кўрсанг,
Ота-она ҳам хурсанд:
— Икки норим бор,— дерлар,
— Қўшчинорим бор,— дерлар!

МЕҲРИБОН ОПА

Қанддонга кўзи тушиб,
Қизини чорлар опа:
— Тўртта «прис» қолибди.
Ола қол, қизим Доно.
Ойижонини қучиб
Доно сўзлар оҳиста:
— Тура турсин, боғчадан
Келса сўди Шоҳиста.

МЕН ОТАМНИ ҲИЛАСАМ

Билгинг келса аслимин,
Билгинг келса наслимин,
Болаларинг сараси,
Лешининг кўз қораси —
Пионерман — лешинчи,
Мағрурман шунинг учун!
Туғилганман оловда!
Қанча тўсиғу

говдан

Ҳатлаб,

ҳатлаб ўтганлар,
Қизил байроқ тутганлар
Орасида бор мен ҳам!
Бўлай деб элга малҳам,
Кичик бўлса-да ёшим,
Набиев кўмакдоши —
Ўша жасур кашшофман,
Баҳор тонгидай софман!
Бобом,

отам эл марди,
Улар билан ўзгарди
Кўни кўрган бу жаҳон!
Қувончларим бир жаҳон —

Отамларни ўйласам!
Дилимдагин сўйласам
Отамларнинг сўзидан,
Отамларнинг изидан
Дадил қадам ташлаган,
Душман кўнглин ғашлаган
Мен ленинчи — пионер!
Шунинг учун балли дер
Узоқ-яқин танишлар,
Бизни жаҳон олқиншлар!

ОРЗУЛАР БИР

Бир ёқадан бош чиқариб
Йўқни ҳам бор этдик деб,
Бир ёқадан бош чиқариб
Шу кунларга етдик деб,
Боболар сўз очишганда
Раъно ўйга ботади.
Нега шундай дейишадди,
Балки бу сўз хатодир?
Қани ўйланг бир кўйлакка
Сизгадими кўп одам?
Бунинг сирини нима экап?
Сўрай, билар-ку дадам.
— Эсингда тут, оппоқ қизим,—
Ота сўзлар.—

Айтай, хўп:
Бу — бирлашмиш,
буюк дўстлик,
Мағзин чақсанг, ҳикмат кўп!
Бу — ҳар бошда ҳар хаёлмас,
Орзулар бир деган гап.
Ёлғиз отнинг чанги чиқмас,
Ёлғизликдан йўқ ҳеч наф!
«Халқ пуфласа кўтарилар
Бўрон» деган сўз бор-ку?!

Қўллар қўлга туташганми —
Йўлларимиз ҳам ёрқин!
Бир ёқадан бош чиқариб
Довруғ таратдик бизлар.
Тақдирни ҳам ўзгартириб,
Иқбол яратдик бизлар!
...Яна алланималарни
Сўрар Раъно отадан!
Орзулари чувалашиб
Ширин ўйга ботади.

ЎЙЛАРИМ

Ёлғиз қолган чоғида
Хаёллар қучоғида —
Қим бошламас саёҳат,
Орзу қилиш ҳам роҳат.
Дилнимда ўй лиммо-лим:
Бўлайинми муаллим?
Шоир бўлиб шеър ёзсам,
Яхшимкин ё расом?
Ё чўпонлар оламин
Ҳаммасидан аъломин?
Пахтакорлик ҳам соз-а?
Номин элга овоза!
Агар бўлсам бинокор
Опоқ дадамга ёқар!
Қайси бирин танлайн?
Бир қарорим йўқ тайин.
Сўрасалар нечук деб,
Чунки ёшим кичик деб
Очиғини сўзлайман,
Доим «беш»ни кўзлайман.
Ушалади бор орзум,
Унутмайман бирор зум:
Бари боғлиқ ўқишга,
Ғайрат, идрок, уқишга!

СИЗ, ЭЙ, ЁШИ КАТТАЛАР

Мен тугилган ер номп

Ёзёвонжон,

Ёзёвон!

Уни кўриб энди ҳеч

Демайдилар:

«Ёз ёмон».

Эл чақирса «лаббай» деб,

Чўлни бўстон айлай деб

Мардлар белин боғлаган

Уни дoston айлай деб.

Фарғона бор бу сафда,

Андижон бор бу сафда,

Наманган ҳам бор сафда.

Бари туриб бир гапда

«Ёзи ёмон» чўллари —

Уч тарафдаи қувилган.

Етиб инсон қўллари

Бўз ер доғи ювилган.

Ёзёвонга бахт қўнди,

Қақроқликни енгди у.

Гўзалликнинг баҳсида

Қатнашяпти энди у.

Яшанглар, чўлқуварлар,

Яшанг, она,

оталар.

Биз интилган чўққилар —

Сиз, эй, ёши катталар!

ҲАММА ХУРСАНД

Зеби бувин
Ташиб сувин
Енгил қилсам юкиш:
— Дадаиғга ҳам,
Аяиғга ҳам
Раҳмат,— деди у кун.
Дадам хурсанд,
Аям хурсанд
Дерлар:
— Ташиб сувини,
 Ўғлим Турди,
Севинтирдинг
Қўшни Зеби бувини!
Қўлим бўшми,
Қўни-қўшни
Юмушида бўламан.
Оёқ чаққон,
Менга боққан
Одамлар дер:
 — Бўл омон!
Роса мақтаб,
Очишар гап
Доим ақлу ҳушимдан.
Дадам хурсанд,
Аям хурсанд,
Ҳамма хурсанд ишимдан!

АСҚАРМИЗ

Ұйнаймиз асқар-асқар,
Командиримиз Асқар
Бошқариб борар бизни.
— Адаштырманг,— дер,—
изни.

— Бир,
икки,
уч,— деб,—

Бир,
икки,
уч,— деб

Сафимизни кузатар,
Хатомизни тузатар.
Унга қулоқ тутамиз,
Командасин кутамиз.

— Бир,
икки,
уч,— деб,—

Бир,
икки,
уч,— деб

Такрорлаб турар Асқар.
Бизлар чинакам асқар,
Гурс-гурс қадам ташлаймиз,
Гоҳ ашула бошлаймиз.

— Бир,
икки,
уч,— деб,—

Бир,
икки, уч,— деб,—

Бир,
икки,
уч,— деб

Ўсамиз соғлом бўлиб,
Билиму кучга тўлиб.
Улғайсак аскармиз чини,
Оқлаймиз эл ишончини.

ҲАМДАМНИНГ ОРЗУСИ

Ҳамдам бўлсин белимга,
Ҳамдам бўлсин элимга,
Шу бўтам,
Деб отам
«Ҳамдамжон» деб номлашди,
Ҳозир тўққиздан ошдим.
Ҳамиша
Сўз ўша:
Бувим, аям, дадамга,
Ҳамма-ҳамма одамга
Мен ҳар дам
Чини ҳамдам!

ИККИ ХАТ

НЕВАРА ЁЗАДИ

Ассалому алайкум,
Буви, бу мен — Рустамман.
Энди мен ҳам онамдай
Хат ёзишга устаман.
Аямни ҳеч жавратмай
Тўполонни ташладим.
Ўрганиб хат ёзишни,
Буви, Сиздан бошладим.
Сизга салом дадамдан,
Сизга салом аямдан.
Атрофимда чуғурлаб
Салом айтяпти Ҳамдам.
Доимо соғлом бўлинг,
Бувижоним, бувижон.
Учиб боргим келади
Ёнингизга, бувижон.

БУВИНИНГ ЖАВОБИ:

Етиб борсин саломим,
Олисдаги қўзимга.
Ёзган хатниг ўзингни
Қўрсатяпти кўзимга.
Бувигинанг ўргилсин
Қалам тутган қўлингдан.
Йўлдош бўлсин тилагим
Умр бўйи йўлингда.
Бошим кўкка етказди,
Болажоним саломинг.
Қуёш бўлиб ёритди
Дилни ширин каломинг.
Соғми даданг,

аянглар?

Сўраб қўйгин, қоқиндиқ.
Холанг, тоғанг бир бўлиб
Бормоқчимиз яқинда!

ТОҒ БИЛАН СУҲБАТ

Мурғаккина бўйинг бор,
Лекин мендай ўйинг бор,
Ахир, мен энг катта тоғ!
— Шошилма, эй, тоғ,

ўртоқ,
Сўзлаш жуда ҳам осон,
Сен нимани биласан!
...Тоғ қаҳқаҳлаб кулади,
Бир қояси қулади.
Сўзларди у:

— Митти-ей,
Жуда катта кетди-ей!
Рустам дейди:

— Ҳа, ёшман,
Сўзларингдан адашма,
Бўлсанг ҳам тоғлар-тоғи,
Ўсиб улғайган чогим
Ҳатто ўзинг билмаган,
Хаёлингга келмаган
Бойлигингни топарман.
Шунда дейсан:

— Эй, ҳорма!

ҚЎҒИРЧОҚ

Қиприклари пирпираб,
Бамисоли жон кириб
Сўзлар митти қўғирчоқ,
Билганлари шу ҳар чоқ:
— Ая!

Ая!

Ая!— дейди,
Аясида фикр-ёди.
Ачомлар шу он Гулсини:
— Аягинанг ўргилсин!

НЕВАРА

Абдулатиф
Пақирчасин лапиллатиб,
Аста-аста
Сув элтади толиқмасдан
Бувисига!
Дер:
— Сиз борманг, буви, сувга!

САЛОМ, МАҚТАБ

Хайр, лагерь,
Адир бўйи,
Шаршарали даралар.
Қўҳна тоғлар,
Яйлов, боғлар,
Бағрингизни оралаб,
Думалашиб,
Қирлар ошиб
Чинакам куч тўпладик.
Ирмоқчалар
Бизни чорлар,
Қониб-қониб ҳўпладик.
Қизартирди
Қуёш тиги,
Чиниқди бу баданлар.
У-ҳў, Хусан,
Чиниқибсан,
Дейди кўрган одамлар.
О, олтин ёз,
Қулочинг ёз,
Хайр энди, қайтдик биз.
Салом, мактаб,
Сени мактаб,
Дилдан қўшиқ айтдик биз



БАҲОР ЖОН

БАҲОРЖОН

Ловиллаб кўринднг
Кўзимга, баҳоржон.
Тегяпти шабаданг
Юзимга, баҳоржон.

Енгилгина сузар
Паришон булутлар,
Яшнайти бойчечак,
Ниш урган кўк ўтлар,

Аргимчоқ қушларинг
Кўкда чарху уриши,
Чўпоннинг яйловда
Хаёллар суриши

Яйловга ярашиб
Хаёлим тортади.
Қаёққа қарамай
Қувончим ортади.

Тўрт қилиб кўзимни
Иўлинига тикканман
Ниҳоллар ўтказиб,
Гуллар ҳам экканман,

Дарахтлар танини
Оқ рангга бўядим.
Қушлар ҳам чуғурлар
Мен қурган уяда.

Сени ром этаман
Ўзимга, баҳоржон.
Ловиллаб кўриндинг,
Кўзимга, баҳоржон!

НИҲОЛЛАР

Қатор-қатор ниҳоллар,
Сизни ўзим эikkanман.
Юмшатиб тагингизни
Бутун меҳрим тўкканман.
Сизнинг ҳар бир повдангиз
Кўз олдимда барг ёзди.
Соя ташлай бошлайсиз
Албатта бу йил ёзда.
Қани, энди бўй чўзинг,
Эгдирмайман ҳеч кимга.
Чимдитмайман сира ҳам
Сизни қўю эчкимга!

БОҒДАН-БОҚҚА

Қушлар боғда чуғурлар,
Ниманидир ўқирлар.
Бунинг мағзин чаққан ким?
Фикрлашга чаққон ким?
Қўлин кўтарар Эркин,
Қани у нима деркин?
— Қушлар ҳеч олмай тиним:
«Дарахтларнинг қуртини
Йўқотамиз», дейдилар,
Қуртни териб ейдилар.
Бир боғда қурт тугаса,
Кўздан ўтказиб роса,
Тўп-тўп бўлиб учишнинг,
Боғдан-боққа кўчишнинг
Маърузасин ўқирлар,
Шунда улар чуғирлар!

МОМАҚАЛДИРОҚ

Қир этаги,
Осмон таги
Хиралашиб боради.
Томчи ташлаб
Дўқни бошлар
Кўп ҳам ўтмай орадан.
Чақмоқ чақиб,
Чироқ ёқиб
Томоша қилар гоҳо!
Ўйлаб-ўйлаб,
Қирлар бўйлаб
Ногоҳ солар «қаҳқаҳа»!

СОҒИНИШ

Чўзилди қиш ҳам роса,
Тўхтади иш ҳам роса.
Кутар қир, адир, ўрмон,
Кел, эй, баҳор қадрдон.
Юзингни оч, қуёшжон,
Қўзингни оч, қуёшжон.
Чарақлаб кулишингни,
Чарақлаб келишингни
Жуда-жуда соғиндик.
Мен, Рустам ва Соғиндиқ,
Яратганимиз янги боғ.
Чиқ, офтобим, қани, боқ:
Олма, пок, олча, ўрик
Боғчамизга берар кўрк.
Мен, Рустам ва Соғиндиқ,
Сени жуда соғиндик.

РАЙҲОНЛАР

Қачон кирсак шу боққа
Урилади димоққа
Ширин исли райҳонлар.
Мену Лола, Ойхонлар
Юмшатганда тагларини,
Гул-гул яшнар барглари.
Боғни тутар хушбўйи,
Яйраймиз тўйиб-тўйиб!
Яна ота-оналар,
Ҳамма-ҳамма катталар
Ишларидан қайтганда,
Одатни қилмай канда,
Мену Лола ва Ойхон
Тутамиз ҳар кун райҳон!

БОДОМГА

Тўйгандирсан уйқуга,
Ахир қишни ҳам қувган
Наврўз деган ёқимтой,
Елиб-чопиб гўё той,
Кечикдикми хийла деб,
Қани, тезроқ гулла деб,
Етиб келди қошингга,
Нур тўкяпти бошингга.
Бароқ-бароқ гулласанг,
Мен ва синглим Гуласал
Севинишиб дик-дик-дик
Атрофингда сакрардик.

ЯЛПИЗ

Ариқ бүйида ялпиз
Қўлинг тегса ҳид сочар.
Қитиқлайди хушбўй ис,
Баҳри дилингни очар.
Ранглари ҳам ажойиб,
Ҳам нимкўку,
Ҳам нимоқ.
У таомга тушганда
Яйраб кетади димоқ!

БИНАФША

Бўй кўрсатдинг бехосдан,
Баҳор келдими ростдан?
Роса кутди улар деб,
Уйгонсам ҳам бўлар деб
Шошиб-шошиб келдингми,
Вақтдан ошиб келдингми?
Дарак бериб баҳордан,
Кўзинг очиб паҳордан
Элчиликни олдингми?
Ё барабан чалдингми
Ҳамма-ҳамма гиёҳга?
Нега раиғинг сиёҳга
Ухшаб кетар, бинафша?
Далаларда сен яшна,
Баргларингни тўлиқ ёз,
Гўзаллигинг беқиёс!

БОЙЧЕЧАК

Гунафшадан ўзишга
Югурибсан, бойчечак.
Ундан эрта чиқишга
Улгурибсан, бойчечак.

Умринг қисқа бўлса-да,
Турмасанг-да кузгача,
Қўкламини бошлаб келдинг
Сенга меҳрим ўзгача!

ТУРНАЛАР

Тизилишиб маржондай,
Гўё туташ бир жондай,
Учиб келиб олисдан,
Қўчиб келиб олисдан —
Қишлоғимиз осмонини
Тўлдирибсиз расмана.
Сайр этинг бемалол,
Болалар термилсин лол.
Қанотларни кенг ёзинг,
Йўқ буида ўқ овози!

ҚАЛДИРҒОЧ

Қўзим йўлнингда эди,
Согинч билан кутардим.
Меҳринг дилимда эди,
Тушларимда кўрардим.
Кел, тезроқ уя қургин,
Қулай жойини саралаб.
Виждир-виждир сайрагин,
Боғчамизни оралаб.

СОВҒА

Пушталарда думалаб,
Ҳандалаклар очиб лаб:
«Тотгин, — дер, — кўк магиздан
Таъми қолар оғизда!

— Хўп-хўп,— деб қўл чўзаман,
Палагидан узаман.
Яна сўзлар баралла:
— Сен тўримни саралаб
Олиб борарсан кимга?
— Шаҳардаги дўстимга!
Сенга ўзим қарадим,
Сув десанг сув тарадим.
Хушбўй неи гупиллаб
Палакларнинг тагидан
Ҳандалаклар мўралар,
Мен хурсандман оралаб!


КУЗ

Марварид куз
Қилди кўз-кўз
Бисотида борини.
Боғда қил-қил
Мева хил-хил,
Санаб бўлмас барини.
Истасангиз
Сайлаб-сайлаб
Хусайнидан узасиз.
Нок, шафтоли,
Анжир боли
Худди қаймоқми дейсиз.
Қовушлар-чи,
Шарбат ичиб
Илсинмайдн ничоққа.
Уялашиб,
Тошдай тошиб
Тарвуз сиғмас қучоққа.
Қўнгил очар,
Ғашлик қочар
Ораласанг пуштани.
Чиндан арзир

Таърифласанг
Куздаги нонуштани.
Шундай гўзал,
Шундай асал
Эҳсон тутган ўзи ким?
Деҳқон оғам,
Деҳқон тоғам,
Уша деҳқон амаким!

ЁДГОР БОҒИМ

Кулиб келди,
Тўлиб келди
Боғимизга олтин куз.
Беҳи, олма:
— Мендан қолма,—
Дейди аста сузиб кўз.
Товланишиб,
Сизга шошиб
Бўйинини чўзар ҳусайини.
Ё бир лаган
Қарсиллаган
Ҳусайиндан узайми?
Ҳар хил поклар
Ўзини чоглар
Бир-биридан ўзарга.
Уялгандай,
Қаранг, қандай
Нонжийдалар қизарган?!
Истаганча
Яна қанча
Меваларнинг тури бор.
Қирсанг ҳузур,
Таърифи зўр,
Бобомнинг кўз нури бор.



ҒАНИВОЙНИНГ ОҒЗИ

АЯСИНИ АЯСИН

Айтиб қўйинг Шокирга:
Тўгри келган ҳар ерга,
Бўлар-бўлмас жой демай,
Ифлос ёки лой демай
Юмалаши лойиқмас.
У Шокир-ку, айиқмас!
Кийинини аяси,
Ахир ҳар кун аяси
Далага бориб келар,
Даладан ҳориб келар.
Тутинар кир ювинга,
Уланар иши-ишга!
Толиқмасми аяси,
Аясини аяси!

БАҲОНА

Зеби хола мактабдан
Хуноби ошиб қайтди.
Неварасин топтириб
Энг аччиқ гаплар айтди:
— Қўчмапсан-ку синфингдан,
Уятга қолдирдинг-ку!
Қап-катта-ю, гап уқмас,
Жавратиб толдирдинг-ку!
Невараси бувини
Баҳона билан тўсар:
— Ўзингиз айтгансиз-ку:
«Дарахт бир ерда ўсар!»

ДАДАМ АЙТГАН

Сўраб қолди муаллим
Саккиз карра еттини.
Ерга қаради Раъно
Айтолмасдан ютиниб.
— Билмайсанми шунн ҳам
Нима бўлди, Раънохон?
— Катталарнинг олдида
Гапириш жуда ёмон!
Дадам шундай айтган,— деб
Тонди Раъно баҳона.
Баҳонага муаллим
Қўйди «икки» баҳони!

ЙЎҚ, МЕН ТЎТИ ЭМАСМАН

Вали дарсда ҳамиша
Бировлардан кўчирар.
Ёнидаги ўчирса,
У ҳам дарров ўчирар.
Чикса қачон доскага
Пичир-пичир мадади.
Шунинг учун кўпчиликл
Уни тўти атади.
Зоопаркда ўтган кун
Вали кўриб тўтини,
Ерга кирди уятдан.
Дўстларидан ўтиниб:
— Йўқ,— дер,— тўти эмасман,
Мошдай очилди кўзим!
Бугун тўти сўзининг
Роса чақдим мағизин,
Энди ўқийман ўзим!

ЕТТИГА ЕТИБ ҚОЛДИНГ

Башорат, Анвар, Яшар:
«Ҳолиқ совуқ», дейишар.
Қим кўринса туртади,
Қичикларпи уради.
У деганга унамас,
Бу деганга унамас,
Доим қовоғи солиқ,
Шу иш маъқулми Ҳолиқ?
Ҳамма сендан безиллар,
Қун ўтяпти ғизиллаб,
Етиб қолдинг еттига.
Ахир ўйла, эртага
Йўл оласан мактабга.
Энди қулоқ сол гапга:
Тегсанг агар жонига,
Сени сира ёнига
Тенгдошларинг йўлатмас,
Совуқликни тўхтат, бас!

СОАТ

Тонг ҳам ёришди.
«Жиринг»—
Овоз келар токчадан:
— Ҳой, дўстим, қани туринг,
Кечга қолманг боғчадан.

СОЧИҚЧАМ

Майин ипак сочиқчам,
Ювингани ошиқсам,
Гўё хурсанд боқасан,
Менга жуда ёқасан.
Сен билан артинганда
Гард ҳам қолмайди танда.
Азалдан дўст иккимиз,
Гулдек доим кўркимиз.

ҒАНИВОЙНИНГ ОҒЗИ

— Бу йўл борар қасққа?—
Деб йўловчи сўраса:
— Афанди экансиз,— деб
Ғанижон кулар роса.
Сўнгра ўзин кўрсатиб
Жавоб қайтарар чаққон:
— Йўлнинг йўқ-ку, оёғи,
У боролмас ҳеч ёққа!
...Бизнинг Ғани шунақа,
Чақмас сўзлар мағзини,
Хиёл гапга шунинг-чун
Очилиб турар оғзи.

САВОЛ

Пирпиратиб шўх кўзларини,
Саволларни ёғдирар Ҳабиб:
— Нега Ғани, Азаматларни
Чақираман мен: акажон деб?
— Сен кичиксан, улар
катта-да,
Ўни қучиб ойнси кулар.
— Улғаясан дейсиз-ку, шунда
Мени ака дейдими улар?!
44

ҲАСАН ЙИҒЛАГАН ЙЎҚ-КУ?

Сигир соғар онаси,
Ҳасан унга қарашар.
Йш топилар ҳар кимнинг
Истагига яраша.
Ҳусанбой-чи ўзгача,
Тапир-тупир депсинар.
Кўриб туриб бандлигин:
— Қанд қаерда?— деб сўрар.
Она:— Қандми, ма,— дейди,
— Яхши бола бўл,— дейди.
Ҳасанга ҳам қанд бериб,
Сочларини силайди.
Ҳайрон бўлар Ҳусанбой
Онасининг ишига:
— Йиғлаган бир ўзим-ку,
Қанд-чи, икки кишига?

ҚЎЗИМ

Ҳисор қўзим,
Чағир кўзинг
Ҳаммага ҳам ёқади.
Мен келгупча
Аваз чўпоп
Сени яхши боқади.
Дарсдан келиб,
Елдай елпб
Яйлов сари чопаман.
Минглаб қўйлар
Орасидан
Дарров сени топаман.

БИР ҚАРРА

Дикир-дикир ўйнасин,
Лекин тикан кирмасин
Оёққа.
Қаёққа
Қадамнинг ташласа,
Ё дўстларин бошласа,
Бир карра,
Бир қараб
Билиб боссин қадамни,
Кўн сакрамай Мадамни!

ҚЎП КЕСАҚ ОТМА

Ҳушин йиғ, Фотима,
Қўпга кесак отма.
Новча деб Ҳурини,
Дудуқ деб Нурини,
Вали ундай дединг,
Али бундай дединг.
Кўтардинг буруни
Менсимай
Урини.
Ҳамма дўсту ўртоқ,
Қара, фақат сен тоқ.
Ўзинг ҳам хафасан,
Энди қандай топасан
Ўзингга дўст Фотима?
Қўпга кесак отма!

УКАМ ҚҰНМАЙДИ

— Сенда тўртта олма бор,
Бирини уканг олар.
Қани ўша олмадан
Ўзингда нечта қолар?
— Икки дона!
— Нега?
Яна ўйлаб кўр Ўлмас.
— Сиз айтгандай тақсимга
Менинг укам ҳеч кўпмас!

УЙДА, КҰЧА-ҚҰЙДА

Уйда,
Кўча-қўйда
Юз, қўли кир
Юрса Шокир,
Бари —
Тенгдошлари
Деди:— Уят,
Уят, уят.
Ҳамма —
Она, амма,
Ака, опа
Сендан хафа.
Уйда,
Кўча-қўйда
Юз-қўлинг кир
Юрма, Шокир.

КАТТА ОҒИЗ

Салом берсанг Усмонга
Учиб кетар осмонга.


Гоҳ деиғизда сузар у,
Балиқлардан ўзар у.

Гоҳ кирар ер қаърига...
Улгурадн барнга.

Иш ўринга гап берар,
Шушнинг учун чап берар.

Усмонга ҳар бир таниш,
Ҳар дўсту ҳар нотаниш,

Ахир, катта оғизлик —
Шармандалик,
ёлғизлик.



БАЛЛАДАЛАР

4—4822

ҚУЁШНИНГ ҒАЛСТУГИ

— Қуёш бобо, нега доим
Қип-қизариб сотасиз?
Тонгда эса, сизни шу ранг
Яна чулгар хатосиз! —
Қичкинтойлар тонг қуёшин
Саволларга ўради.
— Тингланг,— деди қуёш,—
буни

Бугун кўплар сўради.
Қуёш бобо хўрсилади,
Бир дам жимиб қолар у.
Ўтмишига назар ташлаб
Ўйга чўмиб олар у.
Яна тарих саҳифасин
Тез варақлаб кетади.
Ўтмиш,
Ўтмиш,

қора ўтмиш
Қўз олдидан ўтади:
Гоҳ зилзила, гоҳ довул,
Гоҳ оламини сув босган,
Фарзандларни чирқиллатиб
Отани дорга осган,
Одамларнинг боласини,
Одамликдан айирган,
Ёруғликка интилганнинг
Қанотини қайирган —
Қора зулмат илон каби
Заҳрин сочиб ўтади,
Эртақдаги аждарҳодай
Оғзин очиб ўтади.
Беҳудадан беҳудага
Оққан ҳисобсиз қонлар.
Тун пардасин йиртмоқ учун
Бош кўтарган инсонлар;

Зулм тигин дарз кетказган
Ҳақғўйларнинг кураши;
Қуйинишиб кул бўлганлар
Ҳар тарафдан ўрашиб —
Қуёш бобо хаёлидан
Бир-бир ўтар ғириллаб.
Этак-этак ҳасрат тўкар
Нур пуркаган ўша лаб:
— Дунё-дунё бўлибдики,
Бир кам дунё деганлар.
Бир кам эмас, хитоб қилиб
Эл гамини еганлар —
Бахт кетидан югуришиб
Аро йўлда қолдилар.
Бахт этагин тутқизмади,
Қаро йўлда қолдилар.
Шу бахтни деб қурбон бўлди
Қанча-қанча мард она.
Айтганларим эртак эмас,
Сўзимда йўқ афсона!
Киндик қони тўкилган ер
Инграганда таловдан,
Муқанналар, Торобийлар
Кул бўлишди оловда!
Қўзин очиб нима кўрди
Фирдавсий ё Рудакий?!
Қаерларда қолиб кетди
Улуғ Беруний хоки?!
Улуғбекнинг азиз бошин
Кесди кимнинг қиличи?!
Қўршапалак тугатарми
Қуёшга бўлган ўчин?!
Нега инсон ажратилди
Оқ суякка, қорага?!
Қаерлардан келиб тушди
Бундай нифоқ орага?!
Жавоб топмай ерга кирди

Неча авлод суяги.
 Инсон,
 инсон,
 чин инсонлар
 Бир-бирини суяган!
 Машраб икки суяк қўйиб
 Балх ҳокимини олдиға:
 «Қайсиниси гадоиники,
 Қайсиниси хон», деган!
 Балх ҳокими ҳайратланар,
 Машрабга берар «дакки»:
 — Мошо олло, ким танийди,
 Иккиси ҳам суяк-ку?
 Машраб айтган:
 — Ўнгдагиси
 Балхнинг бурунги шоҳи!
 Чапдагиси гадо ўтган,
 Бўлмаган ҳеч паноҳи!
 Кўзи очиқ кетди гадо
 Шу жаҳонгир дастидан.
 Бу девона,
 бу хон эди,
 Энди тупроқ остида —
 Бу девона,
 Бу хон эмас,
 Ортиқ-камсиз бир улар!
 Тирикликда пасту баланд,
 Ахир қандай сир бўлар?!
 Ечилмасдан асрларни
 Ҳатлаб кетди бу савол.
 Башар кутган арафага
 Ахир етди бу савол.
 ...Ўн еттида қуёш чиқди,
 Йўлларга нур таради.
 Энди инсон келажакка
 Шу йўллардан боради!
 Шу садо, шу хитоб билан

Дил, дилларга туташган!
Бу ҳаётнинг говлаб кетган
Шохлариин буташга —
Доно Ленин даъват этди,
Тонг тун билан тўқнашди.
Жаҳолат жонҳолатда
Яна ҳаддидан ошди.
Қўнғилларга сизиб кирди
Бўрон қуши қўшиғи.
У депсади жаҳолатни.
У ошпоқ тонг ошиғи!
Алангада кул бўлмади,
Ё чўкмади у сувда.
Қани, айтнинг бу ҳаётга
Етганмизми осуда?
Мудҳиш «Қонли якшанба»лар,
«Потёмкин»лар қиссаси,
Жиззахдаги ғалаёнлар,
Мардикорлик гуссаси —
Эртамикан ё тарихнинг
Қон тўкилган бетими?!
Ўйланг, инсон орзусига
Бемашаққат етдими?!
Танийсиз-ку Морозовни,
У ҳаётдан ёш кетди.
Нима учун жажжи Павлик
Ўз отасин фош этди?
Майна, Нурхон, Жамилалар,
Яна қанча акалар,
Ҳаётга ҳеч тўймай нега
Жангда қурбон бўлдилар?
...Қуёш бобо киприклари
Ерга дув-дув қадалди.
Бир дақиқа ўйга чўмиб,
Шивирлаб шундай деди:
— Болажонлар, тонгу шомда
Уфқ томон бир қаранг.

Отар чоғим, ботар чоғим
Ловиллаган қизил ранг —
Бўйнимдаги галстук бу,
Бу мардларнинг пок қони,
Бахт жангида инсон қонин
Гўё сувдай оққани!
...Бирга-бирга варақланди
Ўтган кунлар китоби.
Жаҳон бўйлаб қанот қоқди
Қичкинтойлар хитоби:
— Қуёш бобо, улғаямиз
Худди метин қоядай!
Пок тутамиз галстукни
Набиевдай,
Зоядай!
Қуёш бобо чарақлади,
Йўлларга нур таради.
Қуёш, ёшлик келажакка
Қўл ушлашиб боради!

ЭЛАШ ВА ТҰЛАШ

Мизғир жимлик оғушида
Хувиллаган кўчалар.
Гўё бугун сукунат
Кўчалардан ўч олар.
Суякларга ботган тиг
Дилни зада этганми?
Ё тақдирга тан бермай
Эл бош олиб кетганми?
Ё бу мудҳиш ғулғула,
Ё қувғинлик бошими?
Шилдир-шилдир оққан сув
Айрилиқнинг ёшими?
Ҳовлилар бўш,

боғлар бўш.

Наҳот бари бўшаган?
Мўъжизами ёки бу
Эртакларга ўхшаган?
Излар сероб, йўллар — из,
Қани уни босганлар?
Этак қоқиб хуржинин
Елкасига осганлар
Ўн чақирим нарида,
Қип-қизил дашт қаърида
Кутар қуёш ботишин,
Бардош кетган баридан!
Нега улар тун кутиб,
Ўз уйига йўлолмас.
Тош устида мудрару
Қишлоғига йўл олмас.
Ҳадиксираш шунчами,
Нидо чиқмас бир оғиз?
Ё уларни қувганми
Одам ёви — ялмоғиз?
(Саволлар дилим ўртар,
Тингла, азиз ўқувчим.

Бошдан бошлай қиссани
Етса қаламим кучи!)
...Сой бўйининг қишлоғи
Яқин шаҳри Қўқонга.
Табиати дилрабо,
Ёқибди янги хонга.
Қишлоқнинг ёнбошида
Райҳон булоқ оқарди.
Хиёл ором топарди
Сувга ташналик дарди.
Қатор-қатор чархпалак
Жўякларга сув тараб,
Экинлар бўй чўзарди.
...Кўтариб чанг тўзонни,
«Фармони олий шон»ни
Олиб келди чопарлар.
Қимки бўйин товласа
Қилич билан чопарлар.
Сўзсиз ўлим — булоқдан
Қим бир ҳўплам сув ичса!
Яқинлашар булоққа.
Қимки жонидан кечса!
Шу булоқ, шу кўз нури
Энди элга бегона. -
Хайр, юраклар мадори —
Райҳон булоғим — онам!
Қанча бошлар кесилди,
Ғалаёнлар топталди.
Замон — зўрлар замони,
Хон ҳукми ўрин олди.
Бизни ташлаб хон билан
Улфат бўлган булоғим!
Қишлоғимиз бошига
Кулфат солган булоғим!
Қачон чиқса бўйингга
Хонзодалар сайилга,
Бирон бир зоғ учрамас,

Лаънат бундай майилга!
Хон ҳукми — худо ҳукми,
Сув шаҳарга чопади.
Сув бўйида сувга зор,
Сувни қайдин топади.
Шу камминди деҳқонга,
Экинлари қақшаган!
Қўкдан нима кутаркин,
Қўкка боқиб оҳ солган?!
Дард устига чипқондай
Чопар келди қишлоққа:
— Маликаю хон келар
Чўмилгани булоққа!
Улар келиб-кетгунча
Қишлоқ буткул бўшасин
Бир кун бу — минг кун эмас,
Агар кимни ушласам —
Ўйилади кўзлари.
Бу дунёдан ўчади
Азлуабал излари.
...Ур-йиқит, қий-чув билан
Йўл олди эл дашт сари.
Бошлар қуйи эгилган
На зўри бор, на зори!
Маликанинг кетишин,
Кун ботишин кутди эл.
Гапнинг рости кечгача
Гўё оғу ютди эл!
Қанотини ёйди шом,
Хон ҳам қасрга қайтар.
Чодирда олар ором,
Маликан Дилором.
Эл ҳам қайтди хуфтонда
Судраб-судраб чоринин.
Қўнгилларини эзгинлар
Бу хўрликлар оғриғи!
...Эртасига чошгоҳда

Дард дардларга уланди.
Бутун йўллар ва қишлоқ,
Чўнг-тўпонга буланди.
Тўсатдан бу қишлоқни
Босди лак-лак навкарлар
Не гап ўзи, жавоб йўқ,
Бари қулоги карлар!
Навкарлар қўлда галвир
Булоқ тарафга шошар
Ва қишлоқнинг тупроғин
Қуйиб-пишиб элашар.
Тўс-тўполон қум элаб
Улар нима ахтарар?
Ё хон қиларми талаб,
Ё хон шуни ёқтирар?!
...Йўқолибди сайилда
Маликанинг узуги —
Бир қишлоқ тенг келмасмиш
Бу узукнинг кўзига.
Қўлда галвирни ушлаб,
Бутун қишлоқни элаб,
Топишмади.

Қўрқинчдан
Калпмага келмас лаб!
Зое кетди куйиниш,
Номи Элаш қўйилди.
Қўнгилларга қил сигмас,
Яна қовоқ уйилди.
Чопарлар хон олдида
Дудуқланиб ҳансирар.
Ёқармиди қуруқ сўз,
Жаҳл билан хон сўрар:
— Топиш керак, вассалом,
Бу кимларнинг ўйини?
— Эрталабдан иш бошлаб
Элаймиз сой бўйини!
— Сиз, чопарлар, эламанг,

Қишлоқ ўзи эласин.
Узук пулин ундиринг,
Майли, топса эл олсин!
Хон ҳукми — худо ҳукми,
Ваҳм тутди қишлоқни!
Бечора камбағалнинг
Оҳи тутди қишлоқни!
Сувга ташлаб қозонин
Ранги сомон бўлган эл,
Қарғаб зулм тигни,
Ўз сочини юлган эл,
Яланғоч эл,
 ночор эл,
Ахир кимга ёлборар!
Бош олиб кетай деса
Кетиб қаерга борар?!
Нима лаззат ҳаётдан
Умри ўтса ёлчимай?!
Экмай-тикмай бойларнинг
Дастурхони ғарчи мой!
Аямасдан бесаноқ
Солиқ солган элга хон.
Ҳали у дер, ҳали бу,
Бари айтишга осон!
«Узук пули» қўшилди
Ўша сонсиз солиққа.
Солиқлардан ҳаттоки
— Қўр-қутлик ҳам толиққан!
Ахир, нима кутар эл,
Кўкка чўзиб қўлини?!
Ерда қолар нлтижо,
Тўлар узук пулини!
Кетди узук солиққа
Оғзидаги оши ҳам!
Чидолмай бу қийноққа,
Камбағалнинг боши ҳам!
Бори-бути қоқланиб,

Бутун кўзлар памланди.
Шундан бери сой бўйи
Тўлаш бўлиб номланди!
Хон ҳукми — худо ҳукми,
Ундан оғу томади.
Улус шипга тикилар,
Чаппа кетиб омади!
Фалак, қанча юргизма
Бошдан гамнинг зил тошин.
Бари бир ун қилолмас
Тошинг инсон бардошин!
...Бу сой бўйи қишлогин
Ўтмишидан бир лавҳа.
Бугун ўзга,
Бугуни
Тамом янги сарлавҳа!

МУНДАРИЖА

АДИБАНИНГ ҚУВОНЧИ

УҚУВЧИЛАР АСКАРИ	4
ПИОНЕРЛАР ПАРАДИ	5
АДИБАНИНГ ҚУВОНЧИ	6
МЕН — БИРИНЧИ МУАЛЛИМ	8
ҲОЗИР ЁШИМ ОЛТИДА	9
ИНОҚЛИК СИРИ	9
ХАЙР, ЎЙИНЧОҚЛАР	11
ЮЛДУЗЛАРГА ХИТОБ	11
МЕРОС	12
ГАЛСТУККА	12
ОЙМОМА ВА ШОҲИСТА	13
ЧЎПОН ҚИЗ	15
МАЙ	15
ЎЗИ ШИРИН	16
ЛАГЕРЬ ҲАВОСИ	17
ТОНГГИ БАДАНТАРБИЯ	18
ҚЎШЧИНОР	18
МЕҲРИБОН ОПА	19
МЕН ОТАМНИ ЎЙЛАСАМ	19
ОРЗУЛАР БИР	20
ЎЙЛАРИМ	21
СИЗ, ЭЙ, ЁШИ КАТТАЛАР	22
ҲАММА ХУРСАНД	23
АСКАРМИЗ	24
ҲАМДАМНИНГ ОРЗУСИ	25
ИККИ ХАТ	26
ТОҒ БИЛАН СУҲБАТ	27
ҚЎҒИРЧОҚ	27
НЕВАРА	28
САЛОМ, МАКТАБ	28
БАҲОРЖОН	
БАҲОРЖОН	30
НИҲОЛЛАР	31

БОҒДАН-БОҚҚА	31
МОМАҚАЛДИРОҚ	32
СОҒИНИШ	32
РАЙҲОНЛАР	33
БОДОМГА	33
ЯЛПИЗ	34
БИНАФША	34
БОЙЧЕЧАК	34
ТУРНАЛАР	35
ҚАЛДИРҒОЧ	35
СОВҒА	35
КУЗ	36
ЁДГОР БОҒИМ	37
ЯЙЛОВДА	38

ҒАНИВОЙНИНГ ОҒЗИ

ЖЎЖАЛАРДАН КУЛАМИЗ	40
КИМНИНГ КЎЗИГА ҚАРАЙ	40
АЯСИНИ АЯСИН	41
БАҲОНА	41
ДАДАМ АЙТГАН	42
ЙЎҚ, МЕН ТЎТИ ЭМАСМАН	42
ЕТТИГА ЕТИБ ҚОЛДИНГ	43
СОАТ	43
СОЧИҚЧАМ	44
ҒАНИВОЙНИНГ ОҒЗИ	44
САВОЛ	44
ҲАСАН ЙИҒЛАГАН ЙЎҚ-КУ?	45
ҚЎЗИМ	45
БИР КАРРА	46
КЎПГА КЕСАК ОТМА	46
УКАМ КЎНМАЙДИ	47
УЙДА, КЎЧА-КЎЙДА	47
КАТТА ОҒИЗ	48

БАЛЛАДАЛАР

ҚУЕШНИНГ ҒАЛСТУГИ	50
ЭЛАШ ВА ТЎЛАШ	55

Сулаймон, Йўлдош.

Мен — биринчи муаллим: Шеърлар ва балладалар. — Т.: «Ёш гвардия», 1981.—64 б.

Сулайман, Юлдаш. Первый учитель. Стихи и баллады.

Ўз2

Кичик мактаб ёшидаги болалар учун
На узбекском языке

ЮЛДАШ СУЛАЙМАН

ПЕРВЫЙ УЧИТЕЛЬ

С т и х и и б а л л а д ы

Издательство «Ёш гвардия», Ташкент — 1981

Редактор Х. Давронов

Рассом О. Галицкая

Расмлар редактори Э. Валиев

Техн. редактор Г. Аҳмаджонова

Корректор М. Ортиқова

ИБ № 928

Босмахонага берилди 3.12.1980 й. Босишга рухсат
этилди 11.05.1981 й. Формати 70×90¹/₃₂. 1-босма
қозғозга «Литературная» гарнитурда юқори
босма усулда босилди. Босма листи 2,0. Шартли
босма листи 2,34. Нашр листи 2,491. Тира-
жи 15.000. Вуюртма № 4822. Шартнома № 83—80.
Баҳоси 15 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвар-
дия» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси,
30-уй.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Вайроқ ордени босмахонасида
босилди. Тошкент, «Правда Востока», кўчаси,
26-уй.